



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 27 февраль, № 41 (5971)

Пайшанба

МОДЕРНИЗАЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА ИСТИҚБОЛ

хабарлар

Ишлаб чиқариш тараққиёти саноат тармоқларининг изчил такомиллаштирилиши билан боғлиқ. Бугун Наманган вилоятида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга доир дастурларнинг амалга оширилиши юқори сифатли рақобатдош маҳсулотлар тури ва ҳажмини кўпайтиришда муҳим омил бўлаётир.



Чунончи, биргина 2013 йилнинг ўзида ҳудудда мазкур йўналишда 163 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 30,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ўзлаштирилди. Киритилган инвестициянинг 9,6 миллион АҚШ доллари банклар орқали молиялаштирилган бўлса, 21,2 миллион АҚШ доллари хорижий сармоядорлар ва лойиҳа ташаббускорлари ҳиссасига тўғри келади. Лойиҳаларнинг 116 таси ноозик-овқат ва 47 таси озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида рўёбга чиқарилиб, қўшимча равишда 105,6 миллиард сўмлик янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Бошқа жиҳати, “Чошгоҳ” ва “Голден Хелло Трейд” масъулияти чекланган жамиятларида тўқимачилик, “Aisha Home Textile” қўшма корхонасида момиқ сочик, “Мерри мед фарм” қўшма корхонасида доривор суртма, “Технолог ГР” масъулияти чекланган жамиятида пластик эшик ва ромлар ҳамда бошқа қатор корхоналарда минтақа учун зарур бўлган янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

ИСЛОҲОТ

Вилоят марказидаги “Намимпекс-текстиль” МЧЖ — ана шундай илғор корхоналардан бири. Ўтган йили бу ерда йирик бизнес лойиҳа ниҳоясига етказилиб, кўп тармоқли ишлаб чиқариш шакллантирилди. Бунда мазкур субъект давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, Наманган шаҳридаги қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли бино инвестиция киритиш шарти билан “ноль” қийматда унинг тасарруфига ўтказиб берилган муҳим роль ўйнаганини таъкидлаб ўтиш зарур. Эндиликда юксак дид билан қуриб битказилган мазкур иншоот улкан саноат мажмуғига айланган. Бундай шароитни яратиш учун 16,4 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилди.

— Бинонинг биринчи қаватига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини жойлаштирдик, — дейди МЧЖ директори Адҳамжон Аҳмаджонов. — Юқори қаватларда эса йигирув ва тайёр трикотаж маҳсулотлари цехи фаолият кўрсатмоқда. Уларда пахта толасидан йилига 3900 тоннага етказиб ка-

лава ип, шунингдек, 1,2 миллион донадан ортиқ кийим-кечаклар тайёрлаш мумкин. Корхонада амалга оширилган ислохотлар натижасида икки юздан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди ва уларнинг асосий қисмини касб-хунар коллежлари битирувчилари эгаллади. Бу, табиийки, ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутаётир. Масалан, янги имкониятлар ишга

солинган 2013 йил мобайнида жамиятда 35,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 2012 йилдагига нисбатан 22 фоиз юқори натижага эришилди. Эътиборли жиҳати, унинг қатта қисми — 10 миллион 172 минг АҚШ долларига тенг калава ип, газлама ва нотўқима мато экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

■ Кармана туманида 2013 йили 250 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. “Richard Best Silk” кичик корхонасида ҳам соҳада яратилган имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда.

Ўзаро манфаатли шартнома

Ўтган йили бу ерда 200 миллион сўмликдан ортиқ ипак тола ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 7,6 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. — Хориждан 150 минг долларлик ипак тола тайёрлаш дастгоҳларини келтириб, 72 та иш ўрни яратдик, — дейди корхона раҳбари Жумагул Ражабова. — Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, яна 70 нафар хотин-қизни ишга қабул қилиш ниятидамыз. Йил бошида жамoa 80 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиш бўйича шартнома имзолади. Шунингдек, тез орада болалар учун озик-овқат маҳсулотлари ва тиш пастаси ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш ҳам режалаштириляпти.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Кумқўрғон туманидаги “Сарбон севинчи” масъулияти чекланган жамияти имкониятлари янада кенгайдиган бўлди.

Янги лойиҳа амалга оширилди

Гап шундаки, яқинда корхона қошида қиймати 285 миллион сўмлик яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Янги қувватнинг ишга туширилиши, айниқса, туманда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой бунёд этаётган ташкилотлар учун янада қулайлик туғдирди. Эндиликда улар қурилиш учун зарур сараланган тош ва кумни олишдан ташиб келтириш ташвишидан қутулиши. — Биз ишлаб чиқара-

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Бундан уч йил аввал ўз фаолиятини бошлаган “Авилон-Кўқон” очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ўтган йили синтифон — нотўқима материал ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Харидорлар эътиборини тортди

Маълумки, бу хом ашё мебель жиҳозлари ва юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлашда кенг қўлланилади. Янги йилдан бошлаб эса корхонада тайёрланаётган мазкур хом ашёдан чойшаблар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу маҳсулот энгил ва сифатлилиги, энг муҳими, арзонлиги билан харидорларни ўзига жалб этди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Урганч туманидаги “Гиламчи” хусусий корхонаси жамoаси 15 йиллик иш тажрибасига эга. Ўтган йиллар мобайнида улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар мижозлар эътиборини қозониб улгурди.

Компьютер гилам тўқийди

Яқинда бу ерда 600 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирлари амалга оширилган эса, гилам ишлаб чиқариш қўламини ортиб, сифати тубдан яхшиланди. Шу билан бирга, харидорнинг маълум бир ранг ва дизайн-даги маҳсулотни танлаб, унга буюртма бериши учун имконият яратилди. — Эндиликда компью-

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИРОФ

Малайзия пойтахтида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Улар мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдilar.

МАЛАЙЗИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Давра суҳбатида иқтисодий диверсификациялаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, хорижий сармоядорлар фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга ошириляётган чора-тадбирлар хусусида атрафлича фикр юритилди.

раққиётининг кўрсаткичларига ижобий баҳо бераркан, Ўзбекистонда тарихан қисқа муддат мобайнида эришилган ютуқлар мамлакат раҳбариятининг ҳуқуқ ва ҳар томонлама ўйланган, прагматик сиёсати маҳсули бўлиб, изчиллик ҳамда босқичма-босқичлик таъминлари асосланган “Ўзбек модели”нинг тўри эканлигини тасдиқлашини эътироф этди.

Республика ми з да сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб бориляётган ислохотлар, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги ўзгаришлар ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам тадбир иштирокчиларининг диққат-эътиборидаги мавзулардан бири бўлди. Давра суҳбати якунида “Жаҳон” ахборот агентлиги вакили тадбирнинг айрим қатнашчилари билан суҳбатлашди.

— Малайзия Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги сифатида билади, — деди у, жумладан. — Мамлакатларимизни тарихий, маданий ва маънавий яқинликлар боғлаб туради. Қатор халқаро муаммолар ечими бўйича яқдил нуктаи назарга эга бўлган Ўзбекистон ҳамда Малайзия ўз минтақаларидаги тинчлик-осойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутати. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳам мавжуд.

Хусусан, Малайзия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Дато Ҳамза Зайнутдин республика ми з да иқтисодий та-

(Давоми 2-бетда).

Қулай инвестиция муҳити

ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

Жорий йил 20 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларга инвестициялар фаолиятига оид янгиликлар ҳам киритилди. Ҳозир уларнинг ижроси бўйича адлия идоралари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Хусусан, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиляётир. Бундан қўзланган асосий мақсад, давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмак бериш, бунинг учун чет давлатларнинг молиявий, моддий, интеллектуал ресурслари-

ни, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш, улардан оқилона фойдаланиш ва янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборатдир. Маълумки, хорижий инвестиция ва унинг иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бир қатор қонун ҳужжатларида бел-

гиланган бўлиб, уларга берилган имтиёзлар ва кафолатлари янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида қонунчилигимизга, хусусан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва

қўшимчалар киритилди. Жумладан, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, банклар томонидан чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар белгиланган тақдирда қўшимча талаблар ва чекловлар белгиланган тақдирда меъёрлар билан тўлдирилди.

(Давоми 2-бетда).

www.xs.uz
«Халқ сўзи»
газетаси сайтида ўқинг
Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюқдир
Жорий йилнинг 19 февраль куни Президентимиз томонидан имзоланган «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорда белгиланган энг муҳим устувор йўналишлар ҳақида.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



2013 йилда мамлакатимизнинг барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича

17
мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди.

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуksиз тизимини хорижий этиш, ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини янада ошириш имконини бермоқда.

ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатида парламентимиз юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси тизимида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган ушбу тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, мамлакат электр-энергетика тармоғи корхоналари раҳбарлари, олимлар, экспертлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Этироф этилганидек, мамлакатимизда электр-энергетика тармоғини ислох қилиш ҳамда янги технологияларни соҳага жалб этиш борасида кенг қўлланма ишлар рўёбга чиқарилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жорий йилда эса бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ҳамда қувватлари ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг гоят муҳим устувор йўналишларидан бири, бу — электр-энергетика тармоғини ислох қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида қувватларни модернизация қилишдан иборат. Мустақиллик йилларида тармоқни ривожлантириш, унга инвестиция жалб этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунилари, Президент фармонлари, қарор-

лари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси изчил таъминланмоқда. Шу жумладан, Қўмита томонидан ўрганишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси умумий қиймати 8,7 миллиард АҚШ долларидан ортқ бўлган 40 дан зиёд инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқараётир. Шу билан бир қаторда, “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳалар иштирокчиларига солиқ ва бошқа имтиёзлар тақдим қилинган.

Биргина 2013 йилда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга 800 миллион АҚШ долларидан ортқ маблағ жалб этилди. Бунда “Ўзбекэнерго” ДАКнинг ўз маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ҳукумат кафолати остида олинган чет эл кредитларидан унумли фойдаланилди, шунингдек, тўғридан-тўғри инвестициялар ва тижорат банклари ҳам тармоққа фаол кредит йўналтириб келмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан кўрилатган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ҳаётига изчил татбиқ қилинмоқда. Яъни 2012 йилда “Навоий” иссиқлик электрстанциясида қуввати 478 МВт бўлган буғ-газ қурилмаси ишга туширилди, иккинчи буғгаз қурилмасини барпо

этиш ишлари бошлаб юборилди. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида умумий қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши ҳам бошланди.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки ва бошқа инвесторларнинг қарз маблағларини жалб этган ҳолда, электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича жадал иш олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Халқаро кўёш энергияси институти ташкил этиш тўғрисида”ги қарорини рўёбга чиқариш доирасида “Физика-Кўёш” ИИБ базасида кўёш энергияси институти ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Осиё тараққиёт банки маблағларини жалб этган ҳолда, Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган кўёш электрстанциясини қуриш ишлари бошланди.

Шу билан бирга, мажлисда Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини ижро этиш борасидаги мавжуд баъзи хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Мажлис қатнашчилари томонидан электр-энергетика тармоғининг инвестициявий ҳозирдорлигини янада ошириш, соҳага энергия таъминоти замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда маънавий ва жисмоний эскирган ускуналарни алмаштириш, бошқарув соҳасидаги қарорларнинг сифатини яхшилаш, муқобил энергия манбаларидан янада кенгроқ фойдаланиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш жараёнига жалб қилинаётган кадрлар салоҳиятини кўчайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Муҳокама яқунлари бўйича Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эса хориз инвестицияларининг давлат томонидан кафолатланганлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат ҳамда қонун ҳимоясида эканлигини кўрсатади.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсадларидан бири — хоризий инвесторларга кенг эркинлик бериш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўйилган талаблар ҳамда жавобгарлиқни янада либераллаштиришдан иборат. Масалан, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида берилиб, уларда, хусусан, чет эл инвестицияларини киритиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг ўрни қопланишини таъминлаш шартлари ҳамда тартиби ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва чет эллик инвестор ўртасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тузиладиган инвестиция шартномаларини, уларда чет эллик инвестор инвестиция мажбуриятларини мустақамлаган ҳолда тасдиқлаш назарда тутилиши белгилаб қўйилди.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан кенг қўлланма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, хоризий инвесторларга берилган янги имтиёз ва афзалликларни уларга етказиш учун ҳудудий адлия органларига тегишли ҳужжатлар юборилди. Шуларга мос равишда, айна чоғда ҳудудий адлия бошқармалари томонидан хоризий инвестициялар иштирокидаги корхоналар орасида кенг қўлланмада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, хоризий инвесторларнинг муурожаатлари-вестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ўтказилган мониторинглар натижаларига кўра, тегишли давлат идоралари томонидан 631 қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйилган.

Адлия органларида хоризий инвесторларнинг муурожаатлари-

Қулай инвестиция муҳити

ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминлашига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан доимий назорат йўлга қўйилган. Ушбу жараёнда айрим давлат органлари мансабдор шахсларининг уларга риоя этмаслик ҳолатлари кўзга ташланаётганини ҳам айтиш зарур. 2013 йилда ўтказилган ўрганишларда жами 1597 та, шу жумладан, банк соҳасида 237 та, маъмурий жавобгарликка тортишда 171, муурожаатларни кўриб чиқишда 150 та, божхона бўйича 39 та, солиқ соҳасида 84 та, лицензия ва бошқа рухсатномаларини беришда 114 та қонунбузилиши ҳамда 110 та ортққ ҳужжат талаб қилиш ҳолатлари аниқланди. Икки мингга яқин хоризий ин-

ни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш ҳамда қонуний ҳал этиш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йил давомида хоризий инвесторлардан келиб тушган 429 та муурожаатнинг 402 таси кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди. Мисол учун, “Навбахор текстиль” кўшма корхонаси адлия органига муурожаат қилиб, Навоий шаҳар солиқ инспекциясидан ортққча тўланган солиқ маблағлари қайтариб берилиши-ни маълум қилган. Шу ҳолат бўйича адлия органи томонидан киритилган тақдимнома ижросига биноан, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи Ф. Курбонова нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиб, кўшма корхона-

га 86 миллион 914 минг 842 сўмлик пул маблағи қайтарилди таъминланди.

Хоризий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб, давлат органларига 318 та тақдимнома, 173 та кўрсатма киритилди ва 305 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. Таъсир чораларига кўра, 285 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди ва қонуний ундирилган 291,6 млн. сўм маблағ корхоналарга қайтарилди.

Шу ўринда судларга хоризий инвестиция иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб 15,6 млрд. сўмлик 711 даъво аризаси киритилгани ва улардан 24 тасида етказилган зарарни ноқонуний хатти-ҳаракат содир этган мансабдор шахснинг бевосита ўзидан ундириш назарда тутилганини айтиш даркор.

Умуман, адлия органлари томонидан хоризий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида кенг қўлланма ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Янги кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги Қонун уларнинг бу борадаги фаолиятини бир поғона кўтаришга, бундай корхоналарнинг янада ривожланишига, пировардида юртимиз иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Дмитрий ОГАЙ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи.

МАЛАЙЗИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Глобалист” журналининг ношери ва муҳаррири **Дато Юсуф Ҳашем** таъкидлаганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодий ҳаҳада модернизациялаш ва диверсификациялашга, мамлакат халқи фаровонлигини юксалтириш асосида аниқ-равшан натижаларни қўлга киритишга йўналтирилгани билан эътибор баробарида, Малайзия томони Ўзбекистон билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ислам ҳамкорлиги ташки-

лоти Халқаро бизнес маркази директори Дато Ража Муҳаммад Абдулла ҳам Ўзбекистоннинг Малайзия учун минтақадаги муҳим давлат эканлигини қайд этди. “Бир неча минг йиллик ўтмишга эга халқларимиз маънавий ва миллий анъаналари жиҳатидан яқиндирлар”, деди у.

Эксперт мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик даражасини юқори баҳолагани баробарида, Малайзия томони Ўзбекистон билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва

иқтисодий соҳаларда эришган муваффақиятлари ҳақидаги фикрларини ўртоқлашар экан, **Малайзия Сўйёҳлик агентликлари уюшмаси вице-президенти Абдурахмон Моҳд Али** Ўзбекистондаги тараққиёт стратегияси ҳамда глобал инқирозга қарши чора-тадбирлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Ҳар томонлама пухта ўйланган ривожланиш стратегияси, унинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган самарали бошқарув, иқтисодий ўсиш борасида ижобий натижаларга эришилгани Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилигидан далolat беради, — деди Абдурахмон Моҳд Али.

«Жаҳон» АА,
Кулола-Лумпур

Йўловчилар манзили яқин

Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Бўстонлик туманлари мамлакатимиз пойтахтига яқин жойлашгани боис ҳудудлараро аҳоли қатнови анча юқори. Ўз навбатида, бу манзилларни боғловчи жамоат транспортларига ҳам талаб катта.

“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси ана шу эҳтиёждан келиб **ХИЗМАТ** чиқиб, яқинда 102-йўналишли, “Mercedes-Benz” русумли автобуслар ҳаракатини йўлга қўйди.

Янги жамоат транспорти Қибрай туманининг пойтахтга туташ ҳудудидаги автошоҳбekaт ҳамда “Буюк Ипак йўли” метро бекати йўналишида ҳаракатланади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ИНТИЛИШ

Юқори натижа мезони

Ишбилармон Жамолдин Жўракулов раҳбарлигидаги ушбу тадбиркорлик субъекти бундан икки йил аввал банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига ташкил этилган. Айна пайтда 20 киши меҳнат қилаётган фабрикада саноат усулида 12 мингга парранда парваришланапти.

Дарвоқе, ҳаммаша янгиликка интилиб ашайди-ган тадбиркор ҳозирги кунда корхона атрофидаги бўш ётган бир гектар майдонда томчилик суғориш технологияси асосида интенсив боғ яратиш ҳаракатида.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яна бир корхона — “Истиқлол текстиль дизайн” МЧЖ Фарғона водийсида биринчи бўлиб мода ва дизайн марказини ишга туширди. Юқори сифатли костюм-шим ва куртқалари билан ҳангдорлар эътиборини қозонган ушбу корхонада айна пайтда йилига 1,3 миллиард сўмликдан ортқ, эллик турдаги бежи-

рим кийимлар тайёрланмоқда. Сифатни яхшилаш борасидаги изланишлар натижасида ўтган йили ISO-9001 халқаро сертификати қўлга киритилди.

— Янги иншоот қурилиши ва уни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун салкам 2 миллиард сўм сарфланди, — дейди лойиҳа ташаббускори Бахтиёр Умаров. — Бу ерда дизайн ва модалар марказидан таш-

қари, йилига 10 минг дона эрқаклар устки кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳа амалиётга татбиқ қилинди. Ўз навбатида, ишловчилар сони ҳам ортиб, эндиликда корхонамизда 110 киши меҳнат қилаётир.

Вилоятдаги бошқа кўллаб корхоналарда ҳам амалга оширилган бу сингари ўзгаришлар иқтисодиётда саноатнинг улуши муттасил ортиб боришига замин яратмоқда. Аниқроқ айтганда, ўтган йил яқунлари кўра, яли ҳудудий маҳсулот таркибида ишлаб чиқарувчилар ҳиссаси 10,8 фоизга етди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштироки кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Ёки вилоятда тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг 48,8 фоизи ўзи кичик бўлса-да, имкониёти катта бўлган ушбу субъект-



лар томонидан ишлаб чиқарилапти.

Кўриниб турибдики, илғор технологияларни жорий этишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва изчил амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар юқори сифатли, халқаро бозорга мос рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, корхоналар қувватини ошириш, янги иш ўринлари

яратиш сингари омилларни вужудга келтириш билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги мақсадли дастурлар ижроси изчиллигини таъминлаш орқали янада юксак натижаларга эришиш жорий йилда ҳам наманганликларнинг энг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» муҳбирлари.

Кисқа сатрларда

● Навоий шаҳрида Республика кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинар ташқи бозорга ўз маҳсулотларини чиқараётган корхоналарга солиқ имтиёзлари қўлланилиши ҳамда сифат тизимини жорий этиш соҳасидаги ўзгаришларга бағишланди. Тадбирда ишбилармонларга имтиёз ва имкониётларни назарда тутуви қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

● Амударё туманида қишлоқ ҳўжалиги техникаларини баҳори экиш мавсумига тайёрлаш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Соҳага оид мутасадди раҳбарлар ҳамда деҳқон ва фермер ҳўжаликлари вакиллари қатнашган мазкур анжуманда мавсум олдидан бажарилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

● Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йилнинг бундаги ўтказилган муддатли ҳарбий хизматга қақрилган йигитларни кузатиш маросимида маҳаллий бошқарув ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар муддатли ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш ва мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлашга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

● Фарғонада “Ёш тадбиркорлар — банк эътиборида” шиори остида ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, кичик бизнес билан шуғуланиш истагидаги ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир уюштирилди. Банк-молия муассасалари раҳбарлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қатнашган ушбу учрашувда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, бу борада яратилган имтиёзлар, тижорат банкларидан кредит олиш ҳақида батафсил аборот берилди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

инвестиция киритиш мажбурияти билан «ноль» харид қийматида хусусийлаштириладиган давлат активлари бўйича очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси	Объектнинг тавсифи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддати	Янги ташкил қилинадиган энг кам иш ўринлари сони
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июлдаги ПҚ-2000-сонли қарорининг 7-иловасига асосан, «ноль» харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар									
1.	1.	Нотураржой бино	Ангрен шаҳри, 5/5-даҳа	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишиқ гиштдан қурилган	150,0	1,5	10
2.	2.	4 қаватли уйнинг нотураржой қисми (биринчи қават)	Бекобод шаҳри, 11-даҳа, Сирдарё маҳалласи, 18-уй	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	250,0	1	10
3.	3.	Фойдаланилмаётган ҳаммом биноси	Бекобод шаҳри, Наврўз кўчаси, 1-уй	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	60,0	1,5	5
4.	4.	Тугатилган собик «Металлургомонтаж пўлат» МЧЖнинг бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 1-уй	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	1 100,0	2	60
5.	5.	Енгил саноат коллежининг бўш турган 2-ўқув биноси	Бекобод шаҳри, саноат худуди	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	1,000,0	2	50
6.	6.	Енгил саноат коллежининг бўш турган 3-ўқув биноси, қурилиши тугалланмаган 2-амалиёт биноси ва қозонхона биноси	Бекобод шаҳри, саноат худуди	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	800,0	2	40
7.	7.	Бўш турган «Наврўз» кинотеатри биноси*	Бекобод шаҳри, 3-даҳа	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишиқ гиштдан қурилган	150,0	2	5
8.	8.	Бўш турган маданият уйи биноси	Бекобод тумани, «Далварзин» ҚФЙ, Бобур Мирзо маҳалласи	«Далварзин таъмирлаш заводи» МЧЖ	эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш	бетон плита ва пишиқ гиштдан қурилган	600,0	2	20
9.	9.	Эски ФАП-1 биноси	Бекобод тумани, «Жумабозор» ҚФЙ	«Хамза» ҚВП	тиббий хизмат	пишиқ гиштдан қурилган	50,0	1,5	5
10.	10.	Қурилиши тугалланмаган бино**	Бўша тумани, «Ачамайли» ф/у, «Даштобод» МФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	550,0	2	40
11.	11.	Бўш турган маҳалла биноси	Бўша тумани, «Ровот» ҚФЙ, «Мустақил Ўзбекистон» ф/у	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом гиштдан қурилган	40,0	1	5
12.	12.	Бўш турган маҳалла биноси	Бўша тумани, «Ровот» ҚФЙ, «Мустақил Ўзбекистон» ф/у	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом гиштдан қурилган	80,0	1	10
13.	13.	Бўш турган маҳалла биноси	Бўша тумани, «Ровот» ҚФЙ, Уратепа маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	50,0	1	5
14.	14.	Бўш турган маҳалла биноси	Бўша тумани, «Ровот» ҚФЙ, «Ровот» ф/у	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом гиштдан қурилган	60,0	1	5
15.	15.	Собик «Мевазор» ФАП биноси	Бўша тумани, «Кўкорол» ҚФЙ	Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси	тиббий хизмат	пишиқ гиштдан қурилган	100,0	1	15
16.	16.	Бўш турган нотураржой биноси	Бўша тумани, «Қорақуйли» ҚФЙ, «Даштобод» МФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	80,0	1	10
17.	17.	Собик 40-ҚХТБЮ биноси**	Бўстонлик тумани, Баймурзаев маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишиқ гиштдан қурилган	300,0	2	15
18.	18.	Эски АТС биноси	Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчаси	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	550,0	1,5	30
19.	19.	Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски маъмурий биноси	Олмалик шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уй	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	тиббий хизмат	пишиқ гиштдан қурилган	350,0	1,5	20
20.	20.	Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски гараж биноси	Олмалик шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уй	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	тиббий хизмат	пишиқ гиштдан қурилган	250,0	1,5	15
21.	21.	Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски кир ювиш биноси	Олмалик шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уй	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	тиббий хизмат	пишиқ гиштдан қурилган	180,0	1,5	8
22.	22.	Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски патология биноси	Олмалик шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уй	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	тиббий хизмат	пишиқ гиштдан қурилган	100,0	1,5	5
23.	23.	Бўш турган маъмурий бино	Олмалик шаҳри, Регистон кўчаси, 2-уй	Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси	таълим	хом гиштдан қурилган	450,0	1,5	15
24.	24.	Бўш турган болалар боғчаси биноси	Оҳангарон тумани, «Сусам» ҚФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	200,0	1	10
25.	25.	Собик қозонхона бино-иншоотлари	Оҳангарон тумани, «Фаллақудук» МФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	150,0	2	15
26.	26.	Фойдаланилмаётган идора биноси	Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	400,0	1,5	10
27.	27.	Тугатилган ПМК-3нинг фойдаланилмаётган биноси	Пискент тумани, Ойбек маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	700,0	1,5	20
28.	28.	Янгибод идора биноси	Чиноз тумани, «Янгибод» ҚФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	200,0	2	15
29.	29.	Фойдаланилмаётган собик болалар боғчаси биноси	Янгийўл тумани, «Бўзсув» ҚФЙ,	«Умид» МЧЖнинг ижтимоий соҳа объекти	қишлоқ хўжалиги	пишиқ гиштдан қурилган	200,0	1,5	10
30.	30.	Собик 48-мактабнинг бўш турган ўқув биноси**	Қуйи Чирчиқ тумани, «Истиклол» ҚФЙ, Маърифат кўчаси	Туман халқ таълими бўлими	таълим	пишиқ гиштдан қурилган	750,0	2	60
31.	31.	Собик болалар боғчаси биноси**	Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, «Отажонов» ФХУ	Туман халқ таълими бўлими	таълим	пишиқ гиштдан қурилган	600,0	2	30
32.	32.	Собик коллеж биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, «Отажонов» ФХУ	Туман халқ таълими бўлими	таълим	пишиқ гиштдан қурилган	200,0	1,5	20
33.	33.	Бўш турган чойхона биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, «Гул» ҚФЙ, Гул маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гиштдан қурилган	150,0	1,5	5
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорининг 2-иловасига асосан, «ноль» харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объект									
34.	1.	Бўш турган маъмурий бино	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Иванова кўчаси, 5-уй	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом гиштдан қурилган	50,0	3 йил	5
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги 120-сонли қарори 2-иловасига асосан, «ноль» харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объект									
35.	1.	Фойдаланилмаётган ва бўш турган қурилиши тугалланмаган болалар дам олиш маскани	Пискент тумани, «Оқтепа» ҚФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишиқ гишт ва бетон плитадан қурилган	500,0	2 йил	15

Изоҳ: * Фаолият турини 10 йилдан кам бўлмаган муддатда сақлаш.
** Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиши.

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган иш ўринлари ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 2 йил давомида сақланади.
Танловда голиб деб топилган талабгор 10 кун муддат ичида танлов объектни мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаштирилади, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов голиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шартини билан «ноль» харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган худуди (бино-иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Танловда қатнашиш учун инвестор оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин худудий танлов комиссиясига қўриб чиқиши учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов таклифини тақдим этади.

Танлов таклифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда, инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган асортименти ва унинг рақобатбардошлиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара, шунингдек, сотиш объектини молиявий-ҳўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг худудидан ҳўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ҳамда режалари қайд этилган бўлиши керак.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 3 март куни ва танлов савдоси ушбу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар ҳар ойнинг биринчи ҳамда учинчи душанба кунлари соат 11.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда курьер ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртма-номани икки нусхада тақдим этади:

- танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги елимланган конвертларга солинган танлов таклифлари;
- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;
- агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллиги ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Мурожаат учун манзил:
100077, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 268-23-21, 268-29-77.
Факс: (8-371) 268-29-44.
Интернет тармоғидаги веб-сайт:
www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz

Хўрматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37, 259-20-53 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (8-371) 267-74-64 рақамли «Ишонч телефон»лари, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (8-371) 232-80-25 телефони орқали зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга маъраҳамат қилинг!

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15,
236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-Марказий поликлиникаси жамоаси шифокор Мавлуда Асомовага волидаи муҳтарамаси
МАТЛУБА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодийёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Иқтисодиётда ахборот тизимлари кафедраси доценти Алишер Қобиловга волидаи муҳтарамаси
Муҳаррам ҚОБИЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Жиззах вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, Кичик ҳалқа йўлида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖ ҳисобидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш («Анварбек» тўйхонаси) биноси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 741 831 977 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш

кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 11 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй. Тел.: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бувайда тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2013 йил 22 июлдаги 1364/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Янгиқўрғон» ҚФЙ, Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган маъмурий бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 373 703 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Ари-

заларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 15 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона ш., Бурхониддин Марғи-ноний к., 35-уй. Тел.: (8-373) 244-46-39. www.1kms.uz rieltorsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Республика илмий педагогика кутубхонаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар, ахборот-ресурс марказларининг илмий-методик, библиография-ахборот ва мувофиқлаштирувчи муассасаси ҳисобланади. Барча замонавий кулайликлар яратилган ва қарийб 470 минг китоб фондига эга ушбу масканда китобхоналарга хизмат кўрсатишда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланилмоқда.

Электрон кутубхона:

ТАЖРИБА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК



Таъкидлаш керакки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча соҳаларда бўлаётгани каби ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришда бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги "2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шулар жумласидандир. Унда белгиланганидек, китобхоналар учун ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш

эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш асосий вазифалар сирасига киради.

Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги 228 та ахборот-ресурс марказлари, шу жумладан, Республика илмий педагогика кутубхонаси ҳам "ZiyoNet" тармоғига уланган бўлиб, электрон кутубхона сифатида фаолият юритмоқда. Тизимдаги электрон кутубхоналарнинг 200 таси автоматлаштирилган кутубхоначилик — "КАДАТА" тизими билан таъминланган. Хусусан, ўтган йилнинг ноябрь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган "Infolib Uzbekistan —

2013" миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 200 та туман ахборот-ресурс марказига ҳам ана шундай дастур берилди.

Муассасамиздаги мавжуд китоб фонднинг электрон каталогини яратиш ҳамда Республика йиғма электрон каталогига киритиш учун бугунги кунга қадар тизимда жами 368683 электрон ёзув тайёрланиб, барча электрон наشرлар расмий веб-сайти билан киритилган. Бу эса сайт орқали зарур маълумотларни олиш, қолаверса, вилоятлардаги кутубхона ходимлари билан видеоконференциялар, онлайн мулоқотлар ўтказиш имконини бермоқда.

Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида кутубхона фондидаги адабиётлар, диссертациялар, авторфератлар, илмий мақолаларнинг бар-

часи электрон наشرларга айлантирилди. Шунингдек, буюк алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва ижодига мансуб адабиётларнинг электрон наشرлари асосида маълумотлар базаси яратилди.

Кўп йиллик тажрибадан маълумки, қаерда мутахассис кадрларга эътибор ва рағбат бўлса, у ерда самарадорлик ҳам кузатилади. Кутубхона ходимлари ўртасида ташкил этилаётган анжуманлар, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси", "Энг меҳрили кутубхоначи", "Китобхона оила" сингари кўрик-танловлар айнан ана шу мақсадга хизмат қилаётганлиги билан янада аҳамиятлидир. Шунингдек, кўплаб мутахассисларимиз иш фаолиятининг республика миқёсида оммалаштирилиши ҳам уларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбатнинг амалдаги ифодасидир.

Дано ГАНИЕВА,
Республика илмий педагогика
кутубхонаси директори.

КУЛАЙЛИК

Бухоро вилоятидаги турли ташкилотлар тасарруфида бўлган 112 та маданият ўйи ҳамда клуб ўрнида замонавий маданият ва аҳоли учун дам олиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Марказлар фаолияти такомиллашмоқда

Эътиборли томони шундаки, аҳоли сони ва томоша залларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ташкил этилган ушбу масканларда кўрик-танловлар, кургасма, фестивал ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш кулайлиги яратилди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасидан берилган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг март ойидан бошлаб уларда бадий хаваскорлик ижодиёти ҳамда номоддий маданий мерос йўналишидаги, шунингдек, "Устоз — шогирд" анъаналари асосида мусика асбобларини таъмирлаш, театр студиялари, куллолик, зардўзлик, бишиш-тиқиш каби туграқлар ташкил этилади.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

Спорт

Бирлашган Араб Амирликларида энгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилаётган Гран-при турнирида спортчиларимиз яна бир қатор Осиё рекордларини янгилашди.

Паралимпиячиларимиз — голиблар сафида

Жумладан, 800 метрга югуриш баҳсларида Фахриддин Хамроев марра чизигига бир дақиқаю 53,20 сонияда етиб келиб, ана шундай муваффақиятга эришди. Бунга-ча у 1500 метр масофага югуришда қўшма рекордини ўрнатган эди.

Хотин-қизлар орасида 800 метрга югуришда ҳамюртимиз Ёқутхон Холбекова ҳам 2 дақиқаю 22,62 сониялик натижа билан Осиё рекордчиси бўлди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Убайдулла Имомкулов 1500 метрга югуриш, Фаррух Мирзақулов узунликка сакраш баҳсларида олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланди.

Совриндор бўлиш осон кечмади

Германия давлати мезбонлик қилган дзюдо бўйича Гран-при турнирида ҳамюртимиз Шухрат Арслонов бронза медалига сазовор бўлди.

Халқаро дзюдо федерацияси тақвимида кирувчи мазкур нуфузли мусобақада у голландиялик Нил Ван де Камер, молдовалик Константин Типа, россиялик Сирожиддин Магомедов ва Станислав Семёновни енгиб, совриндорлар сафидан жой олди.

Айтиш жоизки, Гран-прида дунёнинг 55 мамлакатидан қарийб тўрт юз нафар спортчи иштирок этди.

Профессионаллар баҳси

Тошкентда профессионаллар ўртасида бадминтон бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадминтон федерацияси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақанинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратиб берилаёпти. Айни пайтда ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган бадминтон билан мамлакатимизда 20 минг нафардан зиёд йигит-қизлар шуғулланаётгани бунинг исботидир.

Қолаверса, Андижон, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида маҳоратли ёш бадминтончиларни аниқлаш ҳамда уларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан ташқари, яқин вақт ичида Тошкент шаҳрида замонавий бадминтон марказини ишга тушириш режалаштирилган. Шу кунларда мазкур иншоотнинг қурилиш ишлари якунланиш арафасида.

Ўзбекистон чемпионати Андижон, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё, Жиззах, Фарғона, Хоразм, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида маҳоратли ёш бадминтончиларни аниқлаш ҳамда уларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

МЕРОС

Юртимиз аждодлардан қолган осориатқалар, муқаддас қадимжолар, умуман олганда, маънавий-маданий меросга бой мамлакатлар сирасига киради. Мустақиллик йилларида уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бекуму кўст этилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Қадимий ва ноёб обидалар

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга қанот бахш этди, десак муболага бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам қадимий маданий мерос объектлари талайгина. Айни пайтда Оролбўйи минтақасида 255 та тарихий маданий мерос объекти, жумладан 48 та тарихий-меъморий, 120 та тарихий-археологик, 87 та маданий монументал эс-далик давлат муҳофазасига олинган.

Юртимиздаги мана шундай объектларни асраб-авайлаш, обод қилиш, илмий тадқиқ этиш бўйича инспекциямиз ходимлари жойлардаги мутасадди ташкилотлар билан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, туман ҳокимликлари ҳамкорлигида мавжуд объектларни қайта рўйхатга олиш, уларни ўрганиш, реставрацияга таъсис этиш, чегараларини белгилаш, ҳомийлар б и р и к т и р и ш каби ишлар шулар жумласидандир. Айни пайтда Беруний туманида жойлашган "Султон Увайс бобо" мажмуасида 646 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлса, ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими археологари Австриянинг Сидней универ-

ситети олимлари билан ҳамкорликда Беруний туманидаги "Тошхирмон тепа" ва "Ақчақонқалъа" эсдаликларида, Қорақалпоқ давлат университети олимлари Кўнғирот тумани Устюрт текислигида жойлашган ва IX-XIV асрларга тегишли бўлган "Пулжой", Хўжайли туманидаги "Гавур қалъа" археологик объектларида илмий тадқиқот ишларини олиб боришди. Шунингдек, ўтган йилнинг апрель ойида Чимбой туманида жойлашган, эраимиздан аввалги II асрга ҳамда эраимизнинг XIII-XIV асрларига тегишли "Куюққалъа" мажмуасида ҳам Нукус давлат педагогика институти профессорлари ва талабалари археологик қазилар ишларини олиб боришди.

Таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон Республикасида туризми ривожлантириш бўйича кўплаб омиллар мавжуд. Мана шуларни инобатга олган ҳолда, ушбу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилиб, кўплаб археологик объектлар республика туризми йўналишига киритилди.

Ишончимиз комилки, юртимиз тарихи, бой маданий ва маънавий меросидан ҳикоя қилувчи ушбу ноёб обидалар бугунги авлод қалбида буюк ўтмишга эга аждодларидан фахрланиш туйғусини жўш урдиради. Бинобарин, аждодлардан мерос осориатқалар бугунги ва келгуси авлоднинг юртга муносиб инсонлар бўлиб камол топишларида муҳим омил сифатида хизмат қилаверади.

Қунишбек ШАРИПОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маданий мерос объектларини
муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш
инспекцияси бошлиғи.

Реклама ва эълонлар

Хурматли юртдошлар!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

яқинлашиб келаётган Наврўз байрами муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«НАВРЎЗ — 2014»

Ушбу омонатнинг сақлаш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки (ОАЖ) қулай шартларда миллий валютада 58 турдаги ҳамда хорижий валютада 30 турдаги омонатларни таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(8-371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(8-371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(8-371) 140-39-36
4. Юнусобод филиали	(8-371) 221-80-67
5. Сергели филиали	(8-371) 258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(8-371) 120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(8-374) 224-40-96
8. Асака филиали	(8-374) 233-13-69
9. «Фарҳод» филиали	(8-374) 226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(8-373) 224-70-83
11. Марғилон филиали	(8-373) 237-12-37
12. Олтириқ филиали	(8-373) 432-10-11
13. Кўқон филиали	(8-373) 552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(8-369) 226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(8-436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали	(8-436) 573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(8-365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(8-365) 770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(8-366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(8-366) 221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали	(8-375) 221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(8-376) 770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(8-361) 770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали	(8-362) 226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(8-367) 225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(8-372) 226-43-11

«АСАКА»
БАНКИ (ОАЖ)
САРМОЯНГИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ
ВА КЎПАЙИШИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар
лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5

Schetchnik.Uz

ГАЗ, ЭЛЕКТР ВА СУВ

ҳисоблагичлари



Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 34-уй.
Мўлжал — Ҳамза тумани электр таъминоти корхонаси.

Тел.: (+99890) 957-51-21, факс: (8-371) 283-66-88.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси